

**МЕТРОПОЛИТЕН ОБЪЕКТЛАРИ ВА УНИНГ ЖАМОАТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СУБЪЕКТЛАРИ ҲАҚИДА
МУЛОҲАЗАЛАР**

Бехзодбек Исломбекович ИСЛОМБЕКОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Тошкент, Ўзбекистон

Islambekov1802@gmail.com

Аннотация

Мақолада метрополитен объектлари ва унинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари хусусиятлари ҳамда улар билан боғлиқ айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: метрополитен объектлари, умумий объектлар, хусусий объектлар, махсус объектлар, субъектлар тизими, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

**РАЗМЫШЛЕНИЯ ОБ ОБЪЕКТАХ МЕТРОПОЛИТЕНА И
СУБЪЕКТАХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЕГО ОБЩЕСТВЕННОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ**

Бехзодбек Исломбекович ИСЛОМБЕКОВ

Независимый исследователь

Университет общественной безопасности Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Islambekov1802@gmail.com

Аннотация

В статье проанализированы особенности объектов метрополитена и субъектов обеспечения его общественной безопасности, а также некоторые связанные с ними нормативно-правовые документы.

Ключевые слова: объекты метрополитена, общие объекты, частные объекты, специальные объекты, система субъектов, нормативно-правовые документы.

Метрополитен – (фр.metropollitain) шаҳарнинг ер ости (тоннелларда), ер усти (эстакадаларда) ёки махсус ажратилган худуддан ўтган электр темир йўлли кўча [5;316]. Метрополитен (французча: метрополитаин) ёки метро (фр.метро, инглизча: subway) кўп сонли йўловчиларни ташишга мўлжалланган рельсли тезюрар электр транспорт тури [9].

Метрополитен *объектлари* эса метро бекатлари, унга хизмат кўрсатувчи бино ва иншоотлар, хизмат хоналари, диспетчерлик пунктлари, деполар, вентиляция (шамоллатиш) тизимлари, тоннеллар, ер ости ва ер усти темир йўл

тармоқлари, метро поездлари ҳаракатдан ташқари вақтларда сақлаб туриладиган ер ости тоннеллари, технопарклардан иборат йирик хўжалик тизими. Шу нуқтаи назардан, фикримизча, метрополитен объектларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан тадқиқ этишда уни *умумий, хусусий* ва *махсус* объектларга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ жеб ҳисоблаймиз.

Метрополитеннинг *умумий объектлари* бу – метро хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларнинг ҳаракатланиши мумкин бўлган бекатлар, вестюбеллар, эскалаторлар, ҳаракатдаги поездларнинг вагонлари, метронинг кириш–чиқиш йўлаклари, бекатдан–бекатга ўтиш жойлари. Йўловчилар метрополитен ҳудудида ҳаракатланиши вақтида ушбу объектларда мавжуд бўлган барча шарт-шароитлардан эркин фойдаланишлари мумкин.

Метрополитеннинг *хусусий объектлари* бу – метро ишчи ва хизматчиларининг хоналари, кассалар, маъмурий бинолар, метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бўйича хизмат олиб борадиган ички ишлар органлари ходимларининг хизмат бино ва иншоотлари, навбатчилик қисмлари, деполар. Хусусий объектлардан метрополитен ишчи ва хизматчилари ҳаракат таркибини кузатиш, назорат қилиш вақтида ҳамда ички ишлар органлари ходимлари – шахсий таркиби метрополитен ҳудудида хизматни ўташ жараёнида фойдаланадилар. Йўловчиларнинг хусусий объектларга кириши тақиқланади.

Метрополитеннинг *махсус объектлари* бу – метрополитенда фаолият юритувчи махсус ваколатли шахслардан бошқа фуқароларнинг кириши тақиқланган объектлар ҳисобланади. Бу барча йўналишдаги метро поездларининг ҳаракат таркибини, эскалаторларнинг узлуксиз ва барқарор ишлашини кузатиб турувчи диспетчерлар хоналари, ситуацион марказ, ИИО навбатчилик қисми, ҳаракат таркибидан чиқарилган метро поездлари турадиган жойлар, вентиляция тизимлари, электростанция, махсус кабеллар ўтказилган ер ости йўлакларидан иборат.

Бундан ташқари олимлар умуман, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ва махсус объектини ажратадилар. Унга кўра: “жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг *умумий объекти* – бу халқнинг тинч ва осойишта фаровон ҳаёт кечириши учун унинг миллий манфаатларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ҳамда Конституция ва қонун талаблари асосида тартибга солинадиган инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатлардир.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг *махсус объекти* – бу халқнинг тинч ва осойишта фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қиладиган аҳоли турар-жойлари, дам олиш масканлари, оммавий тадбирлар ўтказиладиган масканлар, ишлаб чиқариш корхоналари (айниқса техноген хусусиятли хавф вужудга келиши эҳтимоли юқори бўлган), транспорт (автомобил, темир йўл, ҳаво йўллари) объекtlари ва коммуникациялари, шунингдек табиий ва экологик хавф вужудга келиши эҳтимоли юқори бўлган ҳудудлар ҳамда улардан фойдаланиш жараёнларидир” [3;40-42].

Бизнинг тадқиқотимиз объекти – метрополитен ёпиқ, хавф манбаи юқори ва алоҳида хусусиятга эга бўлиб, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг энг аҳамиятли ва эътибор қаратиш зарур бўлган тизими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг хавфи юқори бўлган объекtlари рўйхатининг 55-бандига кўра, метрополитен транспорти инфратузилмаси объекtlари – умумий тармоқ темир йўллари, тоннеллар ва эстакадалар, бекатлар ва хизмат кўрсатиш объекtlари ва муҳандислик таъминоти тизимлари хавф манбаи юқори бўлган объекtlар рўйхатига киритилган [7].

Метрополитендаги ички ишлар органлари ходимларининг кундалик хизмат фаолиятини – *умумий объектга*, метрополитен барча тизимлари комплексини *махсус объектга* киритиш, фикримизча, тўғри бўлади.

Баъзи олимлар “метрополитен” ва “метрополитен инфратузилмаси объекtlари” тушунчасини ишлатадилар. Масалан, Россиялик олим

М.А.Смирновнинг фикрича, “*Метрополитен*” деганда, шаҳар электр транспорти ва темир йўл транспортининг ўртаси тушунилади. “Метрополитен инфраструктураси”га эса, ўз фаолиятини ўзаро бир-бирига қатъий боғланган ҳолда амалга ошириши керак бўлган жуда кўплаб транспорт элементлари (бир жуфт ҳаракатдаги таркиб, вентиляция шахтаси, тортувчи ва токни пасайтирувчи подстанция, сигнализация ва алоқа воситалари, электр депо ва бошқ.) киради, шунга мувофиқ метрополитен мавжуд шовқинда ишлайдиган улкан, мураккаб тизимни ифодалайди [6;21].

Бизнинг қисқа таърифимизга кўра,, *метрополитен инфраструктура объектлари* – бу метрополитеннинг бутун фаолият тизимини узлуксиз ва бир маромда, барқарор таъминлашга мўлжалланган, бир-бирини тақозо этадиган ҳамда бир-бирисиз мавжуд бўлмайдиган унинг хўжалик фаолиятига қарашли бўлган барча зарурий объектлар мажмуаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони [2] 2-боби 6-бандида жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўрсатилган.

Шу ўринда метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектларини ҳам бизнинг фикримизча, уч гуруҳга бўлиб ўрганиш лозим.

Биринчи гуруҳ субъектларга – метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлашга билвосита масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда Вазиятлар вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси киради.

Ушбу субъектлар метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзаро келишган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият олиб борадилар [8].

Иккинчи гуруҳ субъектларга – метрополитенда бевосита жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул – ИИВнинг Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш Департаменти; “Тошкент метрополитени” Давлат унитар корхонаси; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва суд ҳокимияти органлари; метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси раҳбарияти ва ходимлари – ички ишлар органлари шахсий таркиби киради.

Учинчи гуруҳ субъектларга – метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштиришга алоқадор бўлган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, фуқаролик жамияти муаммоларини ўрганувчи институтлар, малака ошириш институтлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлар, расмий нашрлар киради ва илмий-методик, ахборот-таҳлилий, тарбиявий ва тарғибот йўналишини таъминлайди.

Булар метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш *субъектлари тизимини* ташкил этиб, улар метрополитеннинг барча ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган функцияларни амалга оширадилар.

Демак, мазкур *субъектлар тизими* ўз ваколатлари доирасида: метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, улар ижросини таъминлаш ва назорат қилиш; фавқулодда ҳолатлар юз берганда уларни бартараф этиш ва такрорланишига йўл қўймаслик; метрополитенни ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш; йўловчиларни ҳар қандай тажовуз ва ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, жиноятларнинг олдини олиш; метрополитеннинг узлуксиз, барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлашга ҳар

томонлама кўмаклашиш; дунё метрополитенлари ўртасида Тошкент метрополитени рейтингини кўтариш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий стратегиясини, тинчлик, осойишталик, қонун устуворлиги, маданий-маърифий салоҳиятни юксалтиришни тарғиб қилиш мақсадида тарғибот-ташвиқот билан шуғулланади.

Метрополитенда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи объектлар – бу метрополитен объектларига, унинг маъмурияти, ундан фойдаланувчи йўловчилар ва бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан содир этиладиган ҳар қандай ғайриқонуний тажовузлар – оғир ва ўта оғир жиноятлар, турли маъмурий ҳуқуқбузарликлар; табиий ва техноген офатлар, эпидемия, эпизоотия каби фавқулодда ҳодисалардан иборат дейиш мумкин. Метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш *субъектлари* – ички ишлар органлари ходимлари давлат номидан метрополитен объектларига бўладиган ҳар қандай хавфли ва ғайриқонуний тажовузларга, барча турдаги ҳуқуқбузарликлар қарши тегишли норматив ҳужжатлар [1] талабларидан келиб чиқиб муттасил ва узлуксиз равишда муросасиз кураш олиб борадилар. Зарур ҳолларда, масалан, табиий ва техноген офатлар юз берганда, уни бартараф этиш учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хизмати ҳам жалб этилади.

Тошкент метрополитенида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда асосий ва бевосита бошқарув ва раҳбарлик функцияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш Департаментининг Метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси зиммасига юклатилган.

Метрополитендаги ички ишлар органлари таркиби – метрополитенда жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари – турли штат бирликларидан иборат лавозимдаги зобитлар, сержант ва сафдорлардан ташкил топган бўлиб, улар метрополитен объектларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактик, қўриқлаш-назорат, пост-патруль, кузатув-назорат, оператив-қидирув фаолияти функцияларини амалга оширадилар. Йўловчиларга чипта

сотиш, поездлар ҳаракат таркибини бошқариш, уларни кузатиш, метронинг молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш ва бошқа вазифалар махсус униформали фуқаролар – метрополитен хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Айрим олимларнинг фикрига кўра, жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар тизимига қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимияти, шунингдек транспортда хавфсизликни таъминлашда иштирок этадиган махсус хизматлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими, транспортда хавфсизликни таъминлашга жавобгар бўлган ва бевосита транспорт корхоналарида фаолият юритадиган тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар киради [4;61].

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида “Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги” белгилаб қўйилган. Шунга кўра, ушбу ҳамкорлик субъектлари – давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлардан иборат бўлиб, улар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлашда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашишлари шарт. Ушбу нормада “бошқа ташкилотлар” деганда, биз юқорида таъкидлаб ўтган ва уч гуруҳга бўлган субъектларни ҳам киритиш мумкин. Бироқ бу ўринда метрополитенда бевосита хавфсизликни таъминлаш субъектларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг назаримизда, “метрополитенда жамоат хавфсизлиги” – булар асосий фаолияти метрополитен объектларини қўриқлаш, йўловчиларни ғайриқонуний тажовуз ва ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, ҳаракат таркибининг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, йўловчиларнинг эркин ва хавотирсиз юришини кафолатлаш, уларни назорат қилиш ва белгиланган тартибда

узлуксиз кузатиб боришни амалга оширадиган махсус шахсий таркиб – ички ишлар органларининг зобитлар таркибидан иборат бўлган оператив ходимлари, сержант ва сафдорлар гуруҳидан ташкил топган. Улар метрополитен объектларида бўлган йўловчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, терроризм, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш, улар профилактикасини амалга ошириш, бедарак йўқолган шахсларни қидириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш билан шуғулланадилар. Ушбу субъектлар зарур ҳолларда, фавқулодда вазиятларда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига асосан ваколатлари доирасида ҳамкорликда фаолият олиб борадилар.

Метрополитендаги ички ишлар органлари ходимлари ушбу Қонуннинг 3-боби 16-моддасига кўра, ички ишлар органларининг мажбуриятларида белгиланган функциялар доирасида фаолият олиб борадилар ва ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Метрополитен барча объектларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактик, қўриқлаш-назорат, пост-патруль, кузатув-назорат, оператив-қидирув фаолияти функциялари махсус оператив ходимлар ва ички ишлар органлари сафдор ходимларидан ташкил топган отрядлари асосида (нарядлар шаклида. – *Б.И.*) тақсимотга асосан белгиланган участкаларда хизматни олиб борадилар. Метрополитенда хизмат ўташ функциясини амалга оширишда нарядлар тақсимотини объектларнинг хусусияти, шарт-шароити, масофасининг узун-қисқалиги ва ш.к.ларга қараб белгиланади.

Метро йўллари ва объектлари пойтахтимизнинг 9 та туманидан ўтганлиги боис, метрополитеннинг марказий Чилонзор йўналиши бекатлари бошқа йўналишдаги бекатларга қараганда бир неча баравар гавжум ва бу ўз-ўзидан криминал вазиятга ҳам таъсир кўрсатади. Шу боис нарядлар тақсимотида бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Метрополитенда жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш олиб боришда уларни фош этиш, олдини олиш ва бедарак йўқолган шахсларнинг

турган жойини аниқлаш бўйича метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бўлими ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни ва Ички ишлар органларининг “Оператив-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига асосланган ҳолда фаолият юритадилар.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунга қадар метрополитендаги ички ишлар органлари ходимларининг аниқ функционал вазифалари белгиланган йўриқнома қабул қилинмаган ва бу уларнинг иш фаолияти жараёнида айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, метрополитен объектларида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қонунларни қўллаш жараёнида айрим камчиликлар кўзга ташланади.

Масалан, метрополитендаги ички ишлар органлари профилактика инспекторлари унинг объектларида содир этилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан баённома расмийдаштиришда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосланади. Хусусан, 2023 йил 11 октябрда қабул қилинган “Метрополитенда йўловчилар ҳамда бошқа шахсларнинг бўлиши қоидалари” бузилганида ҳам белгиланган тартибда жарималар ундирилиши мумкин.

Бироқ “Қоидалар”нинг 10-банди 2-қисмида белгиланган “спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларини истеъмол қилиш ёки маст ҳолда кириш”; 3-қисмида “қиздирилган тамаки, электрон сигареталар ва носвой чекиш” кабилар учун жуда кам миқдорда (масалан, 20.000 сўм) жарима белгиланган. МЖТКнинг 56¹-моддасига кўра жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида, 187-моддасига кўра, жамоат жойларида алкоғолли маҳсулотлар истеъмол қилганлик учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солинади. Шу ўринда профилактика инспектори “Қоидаларда” белгиланган жаримани ундириш керакми, ёки МЖТК нормасига кўра баённома расмийлаштириши керакми? Бизнинг фикримизча, бу ўринда коррупцияга йўл очадиган ҳолат юзага келади. Шу муносабат билан,

“Қоидалар”дан МЖТКда назарда тутилган бир хил қилмишни назарда тутувчи нормани чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, “Метрополитенда йўловчилар ҳамда бошқа шахсларнинг бўлиши” қоидаларининг бузилиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 115-моддаси (“Метрополитендан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши”)га кўра жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Аммо сўнгги йилларда бегоналарнинг метрополитен тақиқланган объектларига турли йўллар билан кириши, унинг мол-мулкига зарар етказиши ва ортида оғир оқибатлар келиб чиқиши яширинган қилмишларга муносиб баҳо бериш мақсадида МЖТКнинг 115-моддасига диспозицияси “Метрополитендан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини қўпол равишда бузиш” деган иккинчи қисмни киритиш ва қилмишга мос санкция белгилаш мақсадга мувофиқдир. Унинг матни қуйидагича бўлиши керак:

*“115-модда. Метрополитендан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини қўпол равишда бузиш
-фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, мансабдор шахсларга эса базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари ёки ўн беш сутка қамоқ жазоси белгиланишига сабаб бўлади”.*

Хулоса қилиб айтганда, метрополитен объектларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари билан ҳар томонлама мукамал ва тўлиқ қамраб олинishiда норматив-ҳуқуқий ҳамда идоравий ҳужжатларни такомиллаштириш орқалигина ижобий самарага эришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ички ишлар органлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь ЎРҚ-407-сон қонуни //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь ПФ-27-сон Фармони
//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

3. Ismailov I., Hojayarova N. Jamoat xavfsizligini ta'minlashning obektlari va subektlari. – Toshkent: Ozbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2021.

4. Обеспечение охраны общественного порядка и безопасности на объектах Московского метрополитена: учебное пособие (В.Н.Амельчакова и др. – Москва: МосУ МВД России, 2010.

5. Словарь иностранных слов. – Москва: Русский язык, 1980.

6. Смирнов М.А. Административно-правовое обеспечение общественной безопасности на объектах метрополитена: дисс.на соис.уч.степени канд.юрид.наук. – Москва: Московский университет Министерства внутренних дел Российской Федерации им.В.Я.Кикотя, 2020.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг “Хавфи юқори бўлган объектларнинг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида” ги 2024 йил 5 сентябрь 7/944 63–01-сон буйруғи.

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг “Темир йўл ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 8 июнь 7-сон буйруғи.

9. <https://uz.wikipedia.org>. Метрополитен.